ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

8 (442)

2005 йил 23 февраль

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
- Тешилган томни ким ямайди?
- Алпқоматларга кўз тегмасин!

3
- Мерос талашиб, меҳрдан айрилганлар...
- Саховатли лотереялар

4
- Қутлуғ Темур минораси тарихи
- Қалбингда нелар яширин, Курсия?..

Спортимиз довруғи

Бокс

«СТРАНЖА»НИНГ ТЎРТ МЕДАЛИ — ЎЗБЕКЛАРДА

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Болгарияда ўтказилган «Странжа» халқаро турнирида муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллади.

Боксчиларимиздан Дилшод Мансуров ҳамда Шерзод Абдураҳмонов мусобақанинг кумуш медалини олди.

Жаҳон чемпионати ва Афина Олимпиадаси совриндори, Осиё чемпиони Баҳодир Султонов ҳамда Беҳзод Хидиров эса бронза медал билан кифояланди.

Киличбозлик

МЕДАЛЛАР БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида қиличбозлик бўйича мамлакат очиқ биринчилиги якунланди. Унда ўзбекистонлик спортчилар ҳам совринли ўринларни эгаллади.

Мусобақа давомида иқтидорли қиличбозларимиздан Павел Орлов шпага баҳсларида шахсий биринчиликда ва Роман Александров билан бирга жамоавий беллашувларда иккита бронза медалини қўлга киритди.

Қизлар ўртасида Гулмира Мамадалиева шпага ва рапира баҳсларида ҳамда Марина Андреева билан ҳамкорликда жамоавий беллашувда жами учта бронза медалини олди.

Қозоғистон очиқ биринчилигидан бешта бронза медаль олиб қайтган қиличбозларимиз энди Ўзбекистон биринчилиги ва Австрияда ташкил этиладиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўрмоқда.

Футбол

ҲАКАМЛАРИМИЗ ИШОНЧНИ ОҚЛАМОҚДА

Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА 2005 йилги халқаро учрашувларни бошқарадиган ҳакамлар рўйхатини эълон қилди. Унда юртимиздан 20 нафар ҳакам киритилган.

Ҳамюртларимиз Равшан Эрматов, Марат Исмоилов, Владислав Цейтлин, Ноил Лутфуллин, Константин Смирнов ҳамда Рустам Саидов халқаро учрашувларни бош ҳакам сифатида бошқаради.

Александр Попов, Валентин Коваленко, Арслон Хотамов, Фарҳод Абдуллаев, Ғафур Низомов, Виктор Серазитдинов, Бахтиёр Тоғаев, Рафаэль Илёсов, Даврон Шокурбонов, Вилоят Нажафалиев эса ён чизиқ ҳаками вазифасини бажаради.

Бундан ташқари, аёллар футболида Ирина Куцилло ҳам ён чизиқ ҳаками сифатида иштирок этади. Футбол мутасаддилари ўзбекистонлик Шерқул Аллаев, Сайфиддин Омонов ҳамда Абдурашид Маматқуловни мини-футбол учрашувларини бошқаришга жалб қилмоқда.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири

ЮРТИМИЗДА БАҲОР, НАРЎЗ НАФАСИ УФУРМОҚДА

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Дунёнинг ҳеч бир жойи йўқки, йил фасллари юртимиздагидек ўз ўрнида келса. Ер курраси ининг қайсидир бурчида май ойида пағ-пағ қор ёғса, қаеридадир қиш фаслида денгизда чўмилиб, дам олишади. Юртимизда эса ҳар бир фасл рисоладагидек — қиш қорли, баҳор ўт-ўланлар нафаси билан, ёз саратон иссиғи билан, куз мўл-кўлчилигу хазонрез билан келади.

Қиш давомида қор-қировли кунлар оз бўлмади. Баҳор яқинлашиши билан эса табиат ўз измига тушиб, елкамизга офтоб тегди. Майин эсаётган кўклам шабадаси, деразамиздан мўралаган қуёш бизни — юртдошларимизни баҳор юмушларини адо этишга ундайди, Наврўзни қўмсаган қалбларга унинг сасини элтади.

Самарқанд вилояти

Пахтачи туманидаги муштарийларимиз ўтган 2004 йилда "Mahalla" газетасига обуна бўлиш бўйича республикамиздаги барча туманлар ўртасида ўзига хос ғолибликни қўлга киритиб таҳририятнинг бу борада эълон қилган бош совринини қўлга киритган эди.

ПАХТАЧИДА "Mahalla"НИ СЕВИШАДИ

— Пахтачиликлар ушбу йилда ҳам "Mahalla"ни жон дил билан ўқишларини намоён қилди, — дейди "Mahalla" жамғармаси туман бўлинмаси раиси Исмат Санаев. — Гарчи туманда 43 та фуқаролар йиғини бўлса-да, улар 200 донадан кўпроқ йиллик обуна бўлишга эришдилар. Бу ўз навбатида туманда фуқаролар йиғинлари фаолияти ишини янада яхши йўлга қўйиш учун имкон яратади.

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШ УЧУН

БУ БОРАДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ВА "Mahalla" ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛМОҚДА.

Айни кунда республикамиз ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда ўз тараққиёт йўлини белгилаб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари дадил одимлаётган экани ҳаммамизга яхши аён. Яна шу нарса ҳам аёнки, фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги, мамлакатимиз Конституцияси, қонунларига оид билимдонлиги бу жараёнда асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Азиз муштарий!

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди "Mahalla" газетасининг юртимиздаги барча маҳаллаларга, ҳатто энг чекка ҳудудларда жойлашган фуқаролар йиғинларига етиб боришини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моҳиятини кенг омма, айниқса, маҳаллаларда тарғиб этиб фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида таҳририят билан ҳамкорлик қилиш таклифини қабул қилди. Энди газетамиз саҳифаларида янги рукн остида Конституциявий суд судьялари ва эксперт-мутахассисларининг асосий Қомусимиз, унинг асосида қабул қилинган қонунлар моҳияти ҳақида таҳлилий фикрлар ва шарҳлар, Конституциявий суд фаолиятини ёритувчи туркум мақолалар, шунингдек, газета муштарийларининг саволларига жавоблар доимий тарзда чоп этиб борилади. Бундан ташқари, Конституциявий суд ва таҳририят ҳамкорликда маҳаллаларда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган давра суҳбатлари, маърифий тадбирлар ўтказишни режалаштирди. Энг муҳими, бу ҳамкорлик замирида нафақат фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, балки лозим бўлганда, таҳририятга келган мурожаатлар асосида фуқароларнинг ҳуқуқини ҳимоялашга қаратилган қонуний хатти-ҳаракатларни амалга ошириш ҳам назарда тутилган.

Ўз ўрнида биз муштарийларимизни янги рукн остидаги мақолаларга алоҳида эътибор қаратишга, фикр-мулоҳазалари, қолаверса, саволлари билан бу ҳамкорлик жараёнида фаол қатнашишга даъват этамиз, зеро, ҳуқуқий саводхон бўлиш энг аввало, фуқароларнинг ўзлари учун фойдалидир.

ТАҲРИРИЯТ

ҚОЗОҒИСТОНДА СИЛ КАСАЛЛИГИ БЎЙИЧА ЮҚОРИ КЎРСАТГИЧ

Ҳа, Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотномаларида Қозоғистон Республикаси аҳолининг сил касаллиги билан касалланиши кўрсатгичлари бўйича мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатлар орасида юқори ўринларда турибди. Бу ҳақда 17 февраль куни Қозоғистон республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ерболат Досаев вазирликнинг кенгайтирилган коллегия йиғилишида ахборот берди, дея Остона шаҳридан хабар беради "Қозоғистон-today " мухбири.

Е.Досаев таъкидладики, "касаллик даражасининг юқори кўрсаткичи айни пайтда мазкур касалликдан аҳолини огоҳлантириш бўйича ишларнинг етарли даражада эмаслигини ҳам кўрсатади." Вазирнинг эътироф этишича, 2003 йилда сил билан касалланиш ҳодисаси Қозоғистон республикасида ҳар 100 минг киши ҳисобига 154,3 ҳолатни ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсатгич 160,4 кишига етган.

Шунингдек, сил касаллиги оқибатида ўлим ҳолати камайганлигини ҳам айтиб ўтди у. Яъни 2004 йилда силдан вафот этиш ҳар 100 минг киши ҳисобига 20,7 кишини ташкил этган. 2003 йилда бу кўрсатгич 22,4 киши бўлган. Е. Досаевнинг берган ахборотига кўра, сил билан касалланиш бўйича Актюбинск, Қизилўрда, Атира ва Мангиста вилоятларида жуда юқори кўрсатгичлар қайд этилмоқда.

Mahalla

— Яна нима дейди?
— Яна баҳор келмоқда... — дейди.

"Mahalla" хабарлари

Қашқадарё вилояти

УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

Баҳор айниқса, халқимизнинг севимли байрами Наврўз яқинлашгани сайин шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва далаларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, экишга тайёргарлик ишлари авж олдириб юборилмоқда.

"Маҳалла" жамғармаси, Халқаро "Наврўз" жамғармаси вилоят бўлимлари, вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, маҳаллий ҳокимликлар ва жамоатчилик вакилларининг ташаббуси ҳамда вилоят ҳокимининг қарори билан 19-20 февраль кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар вилоятдаги барча ташкилот, корхона ва муассаса, ўқув-юртлари, мактаблар, маҳаллалар ҳашарда фаол иштирок этдилар. Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртангаз кимё унитар шуъба корхонаси, Қарши ёғ-экстракция очиқ ҳиссадорлик жамияти қўшма корхонаси, Шаҳрисабз Оқсарой—Тўқимачи ЛТД Ўзбек—Турк—Япон қўшма корхонаси каби йирик ташкилотлар ҳамда Қарши давлат университети, муҳандислик иқтисодиёт университетлари катта ҳажмдаги ишларни жамоалари билан амалга оширдилар. Шаҳар ва туман марказлари, қишлоқ, маҳаллаларда минг-минглаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, гуллар ўтказилди, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Умумхалқ ҳашаридан тушган маблағлар кам таъминланган ва муҳтож оилалар, ногиронлар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш, мамлакатимизнинг турли вилоятларида ўз хизмат бурчларини ўтаётган аскар йигитларни йўқлаш учун ташкил этилаётган сафар харажатларининг бир қисмини қоплаш ва Наврўз байрами тадбирларини ўтказиш мақсадида сарфланади.

Э.ҚУРБОНОВ

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан

БОЗОР – ЮРТ КЎЗГУСИ

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ҳукуматимиз бозорларни қайта қуриш ва янгидан барпо этишга астойдил киришди. Қисқа фурсат ичида бозоримиз ҳам қайтадан реконструкция қилиниб, ўзининг қадимий нуфузини тиклади.

Бугунги кунгача жамият аъзоларининг таклифи инобатга олиниб, уч маротаба ўтказилган эмиссия орқали чиқарилган қиймати 500 сўмни ташкил этадиган 374 минг 990 дона умумий миқдори 187 миллион 295 сўмлик акция эгаларини топди. Айни пайтда Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйини бизнинг жамоамиз ҳам муносиб совғалар билан кутиб олмоқда. Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан 13 та банк иштирокида 1 миллиард 655 миллион 400 минг сўмлик маблағ бозор инфратузилмасини янада яхшилашга, тадбиркорларга қулайликлар яратишга сарфланиши кўзда тутилмоқда. Бундай тадбир натижасида бозордаги савдо ўринлари бир неча баробарга ошиб, замон талаблари даражасида аҳолига хизмат кўрсатишга имкон туғилади. Яқинда 200 ўринли янги усти ёпиқ савдо мажмуасини ишга туширдик. Бозор пештахталаридан айни пайтда ҳар хил ҳажмдаги миллий либослар, зартўн, қалпоқ, келинлар либослари, ҳунармандчилик ва хўжалик моллари ўрин олган.

Шаҳрда бозор аҳоли савдо-сотиқ қилиб, ҳожат чиқарадиган жой бўлиши билан бирга шу юртнинг қиёфасини, шу юрт аҳолисининг маънавий ва маданий даражасини кўрсатадиган жойлардан биридир. Чунки қадимдан бозор ўз фаолият моҳиятига кўра ва шарқона одатига кўра узоқ-яқиндан келган меҳмон албатта ташриф буюрадиган маскан. Ҳалқимизнинг ана шу анъанасини давом эттириб, биз ҳам шаҳримиз бозорининг янада чиройли, айни дамда халқ ҳаёт тарзи ва маданияти даражасини ўзида акс эттирувчи масканга айлантириш учун ҳаракат қилаверамиз.

В.АШИРОВ,
Қарши шаҳар буюм бозори акциядорлик жамияти раиси.

Андижон вилояти

ИНТИЗОМЛИ МАҲАЛЛА

Қўрғонтепа шаҳридаги Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини туман солиқ инспекцияси томонидан ўтказилган кўрик-танловда ғолиб чиқиб, "Энг интизомли маҳалла" номини қўлга киритди.

Бу маҳаллада 2004 йилда солиқларни тўламаган биронта хонадон ёки шахс қолмаган. Шунинг учун ҳам маҳаллага туман давлат солиқ инспекциясининг фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғаси топширилди.

— Биз бундай номни қўлга киритиш учун бутун йил давомида астойдил ишладик, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мамлакатхон Ваҳобова. — Туман солиқ инспекциясининг ходимлари тез-тез маҳаллада бўлишиб,солиқларнинг ҳаётимизда тутган ўрни, бу соҳадаги янгиликлар ҳақида аҳолини хабардор этиб турдилар. Уларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Солиқчилар меҳнаткашлар билан бўлган учрашув чоғида бугунги тўланаётган солиқлар эртага қарияларимиз учун пенсия,фарзандларимизга нафақа, талабаларга стипендия, қолаверса ишловчилар учун маош бўлишини тушунтиришга эришдилар.

Ана шундай мустаҳкам ҳамкорлик туфайли туманда шу йилнинг ўтган даврида ҳам яхши ютуқлар қўлга киритилди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ: ИСЛОҲОТ ВА АМАЛИЁТ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларда судьяларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш соҳада амалга оширилаётган ишларнинг энг муҳим йўналишларидан бири эканини алоҳида таъкидлади.

Тошкент давлат юридик институтида Юртбошимизнинг мазкур дастурий маърузаси ҳамда ҳукуматимизнинг янги тайинланган аъзолари билан ўтказилган кенгашда бу борада баён этилган хулоса ва қоидаларни ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ этиш мақсадида ташкилий-маърифий тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

— Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида жиноят, жиноят-процессуал ва маъмурий қонунчиликнинг либераллаштирилиши, судларнинг ихтисослаштирилиши, апелляция суди инстанцияси, ярашув ва бошқа қатор демократик ҳуқуқий институтлар ҳамда мустаҳкам ижро механизми жорий этилгани эътиборга моликдир, — дейди БМТ Тараққиёт дастурининг инсон ҳуқуқлари бўйича маслаҳатчиси Евгений Абдуллаев. — Инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолатга содиқлик ўз ифодасини топган мазкур қонунлар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Институтда мазкур дастурга мувофиқ ташкил этилган илк семинар «Дастлабки тергов ва судга қадар иш юритиш устидан суд назорати» масаласига бағишланди. Унда «Суд ҳокимияти — фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик бўйича конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолати», «Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи — умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёри», «Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш устидан суд назорати: ҳуқуқий асослар ва шакллар, хориж тажрибаси» каби мавзулардаги маърузалар тингланди.

Бехзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири.

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

ПОЛВОНТОШ

Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманининг Хўжаилғор қишлоғи қабристонига туташ чимзорда «Т» шаклида тарошланган, вазни тахминан 110-120 килолик харсангтош бор. Қишлоқ аҳли уни «полвонтош» деб атайди.

Ривоят қилишларича, Соҳибқирон ҳар гал ота юртига келганида, аввало, яқинлари хоки покини тавоф этар, сўнг қишлоқда сайл уюштириб, элга назр-ниёз улашар экан. Шу ернинг ўзида аскарликка талабгор йигитлар синовдан ўтказилар, яъни полвонтошни даст кўтарганча даврани бир қур айланиб чиққан ўғлонлар Амир Темур қўшини сафига қабул қилинар экан.

Тошнинг тепа қисмида пиёла шаклида чуқурча ўйилган. Бу митти ҳавза унда тўпланадиган ёмғир сувидан паррандадаррандалар ичиши учун мўлжалланган бўлиб, Амир Темур кўрсатмаси бўйича тарошланган экан. Бунинг замирида навқирон, ақл-фаросатли, баҳодир, довюрак, тадбиркор, сергак ва садоқатли ўғлонлар билагидаги куч-қудрат, уларнинг соғлом руҳи, жисмоний камолоти наинки юрт осойишталигини, халқнинг тўкис ва фаровон турмушини, салтанат ободлиги ва шон-шавкатини таъмин этишга хизмат қилади, балки, ҳатто осмондаги қушларга ҳам ғойибона қуввату офият бағишлайди, деган эзгу ақида мужассам.

Буюк аждодимиз ҳаётига бағишланган манбаларда бу тош ҳақида бирор-бир ёзма маълумот учрамайди. Айни чоғда, юқоридаги ҳикоятда бошқа бир муҳим моҳият - Амир Темурнинг соғлом авлод, соғлом халқ ҳақидаги орзу-ҳаваслари, қарашлари яққол ифодасини топганлиги алоҳида эътиборга лойиқдир.

Тариҳдан аёнки, Амир Темур ўз салтанатини ўн икки тоифага бўлган ва уларга таяниб, салтанат қонун-қоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб иш юритган. Бунда саккизинчи тоифа - ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандислардан иборат бўлган. Амир Темурнинг фикрича, бу тоифа мамлакат ишига ривож берувчи кишилардир. Бошқача айтганда, буюк бобомиз халқ соғлиги - юрт бойлиги, деган мақолга қатъий риоя этган. Халқ саломат бўлса, юрт обод, тинч-фаровон бўлади, деган ақидадан келиб чиққан Соҳибқирон ҳакимлар, табибларни, яъни халқ саломатлиги посбонларини ҳурмат қилган, уларнинг меҳнатини эъзозлаган. Жаҳонгир бобомизнинг сиҳат-саломатлик масалаларига нафақат давлат арбоби, балки оддий инсон сифатидаги ёндашуви ҳам ҳаётийлиги ва мантиқий асосланганлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун бу қарашлар ҳозирги кунга қадар ўзининг долзарблигини йўқотмай келмоқда. Амир Темур ҳаммадан, фарзандлари ва набираларидан ҳам оилавий масалаларга ҳамиша шаръий ёндашишни, покиза, ҳалол бўлишни талаб қилган. У аёлларнинг шарм-ҳаёли, иффатли, ҳушёр, оқила бўлишини истаган, келинларига нисбатан ниҳоятда меҳрибон ва шафқатли бўлган. Ҳомиладор келинларини ўз эътиборига олиб, уларга ғамхўрлик қилишни оқила Бибихоним зиммасига юклаган. Улар учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё этилган. «Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир». Бу ҳикматли шиор шавкатли бобокалонимиз маънавиятининг бебаҳо дурдоналаридан бир шингил, холос. Амир Темур маънавияти улкан манба, туганмас булоқ бўлиб, ҳозирги кунда миллий истиқлол ғоясини ҳаётимизга кенг жорий қилиш йўлида айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биз, ҳақиқатан ҳам, ўз фарзандларимиз ва набираларимиз билан фахрланишни истасак - улар замонавий билим ва тажрибага эга, иймонли-эътиқодли бўлишларига, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимиз ишларининг муносиб давомчилари бўлишларига эришмоғимиз даркор. Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг қаддини кўтарадиган, шаън-шавкатини улуғлайдиган, ғурурига ғурур қўшадиган ва асрий орзулари рўёбга чиқишига замин яратадиган кўпдан-кўп хайрли юмушлар амалга оширилаётир. Энг муҳими, ўтган даврда ҳар қандай инсоннинг мўътабар орзуси, астойдил интилган асосий мақсади - соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни вояга етказишдан иборат, деган масъулият психологияси жамиятимизда қайта қарор топгани қувонарлидир. Бугун барча эзгу ишларимиз бошида эл-юрт келажагига бевосита дахлдор ана шу масала турибди. Маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш давлат сиёсатининг узвий қисмига айланган. Истиқлол йиллари Инсон манфаатлари йили, Оила йили, Аёллар йили, Соғлом авлод йили, Оналар ва болалар йили, Қарияларни қадрлаш йили, Обод маҳалла йили, Меҳр ва мурувват йили, Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилинди.

Ҳар бир йил бўйича тегишли йўналишларда дастурлар қабул қилиниб, ҳал қилувчи аҳамиятга эга муҳим масалалар ечимига эътибор қаратилмоқда, бор куч ва имкониятларимиз янада маънавий юксалишимиз учун замин яратишга сафарбар этилмоқда.

Тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш, аҳоли соғлиғини ҳимоялаш масаласини бугунги замон талаблари даражасига кўтариш мақсадида мамлакатимизда давлат миқёсида махсус дастур амалга оширилаётгани шулар жумласидандир. Ушбу дастур доирасида, хусусан, замонавий соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, соғлом авлодни тарбиялаш, тиббий хизмат сифатини кескин ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётир.

Шу билан бирга, бу борада ҳалибери ечилмаган муаммо ва нуқсонлар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Ана шу муаммоларни имкон қадар тез ва соз ҳал этиш давлатимиз, жамиятимиз ва ҳар биримизнинг зиммамизга масъулият юклаши тайин. Лекин одамзотнинг соғлиғи кўп жиҳатдан авваламбор унинг ўзига боғлиқ эканини ҳам унутмаслигимиз лозим. Бунда ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётини оқилона йўлга қўйиши, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун соғлом ҳаёт тарзи ва турмуш маданияти талабларига амал қилиши, шак-шубҳасиз, катта ўрин тутади.

Шу маънода, «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида кишиларимизда ўз соғлиғини сақлашга тўғри муносабатда бўлишга ва соғлом турмуш тарзи маданиятига йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш вазифаси ва шу доирада амалга ошириладиган тадбирлар биринчи ўринда турибди.

Президентимиз ибораси билан айтганда, «инсон - табиатнинг буюк мўъжизаси. Шундай экан, инсон ўз соғлиғини асраган тақдирда табиатни, ҳаёт давомийлигини асраган бўлади... Оллоҳ таоло берган соғлиғимизни асрайлик. Чунки соғлом одамгина чинакам бахтли бўлади, чунки фақатгина соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади».

Ғулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси

Маслаҳатчи фаолияти учун кўмак

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мамлакатимиз ҳаётининг ўзига хос тизими — фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятида ҳам ўзига хос, айни пайтда халқ, мамлакат, жамият ривожига дахлдор бўлган масъулият касб этади.

КУН ТАРТИБИДА - МАСЛАҲАТЧИ ФАОЛИЯТИ

Бугунги кунда деярли барча фуқаролар йиғинларида худди ана шу Фармон талаби асосида фаолият кўрсатаётган диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти қандай? Унинг самарали, жамиятимиз кутаётган даражада иш йўналиши касб этиши учун нималар қилиш керак? Пойтахтимизнинг барча туманларида маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари, маслаҳатчилар, ФҲДЁ бўлими ходимлари, "Маҳалла" жамғармаси ходимлари, фаоллар ҳамда ҳокимлик мутасаддилари иштирокида ўтаётган очиқ мулоқотлар ана шу мавзуга бағишланмоқда.

Куни кеча Яккасарой тумани ҳокимлигида ҳам худди шундай ошкора мулоқот бўлиб ўтди. Тадбирни туман ҳокими, сенатор Р.Усмонов очиб, бугунги кунда бу мавзу ҳар бир раҳбар, ҳар бир мутахассис, айни пайтда жамиятнинг ҳар бир фаол аъзоси бош қотирадиган иш эканлигини эътироф этди. Зотан, юртимизда хотин-қизлар, фарзандлар, умуман барча аҳоли ҳаётининг тўғри йўлдан бориши ана шундай фаолиятнинг йўналиши билан боғлиқ.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор Фарида Абдурахмонова, "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви раиси Аъзамжон Гадойбоев, жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими раис Рихситилла Акромовлар ушбу фармон ижроси юзасидан келиб чиқадиган вазифалар, бу вазифаларнинг пойтахт мисолида бажарилиши ҳақида сўзлади. Шунингдек, очиқ мулоқот давомида маслаҳатчиларнинг ва шу вазифанинг бажарилишига дахлдор мутахассис ҳамда масъул ходимлар бу борадаги муаммоларни ўртага ташлаб, уларнинг ечими хусусида мулоқот юритдилар.

МУХБИРИМИЗ.

Тошкент шаҳри



Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Ҳамза туманидаги Аҳмаджон Назаров номли маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Феруза Азимова учун бу вазифа асосий касби билан уйғунлашиб кетган. У 230-мактабнинг бошланғич синфлар ўқитувчиси сифатида маҳалла-мактаб-оила ҳамкорлиги ёшларни тарбиялашда жуда муҳим ўрин тутишини яхши англайди.

СУРАТДА: Ф.Азимова маҳалланинг ўсмир ёшлари билан.

Фарғона вилояти

СЕРТИФИКАТЛИ МАСЛАҲАТЧИЛАР

"Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ва вилоят хотин-қизлар қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги Фармонини ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ушбу Фармонни амалга оширишга қаратилган махсус қарорини бажариш юзасидан қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Энг аввало вилоятдаги 973 та маҳалла фуқаролар йиғинларига диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар лавозимига муносиб инсонлар тайинланди. Улар ўтган давр ичида вилоят маҳалла маркази қошидаги "Водий зиёси" ўқув услубий марказида махсус дастур асосида ўқитилди. Айни кунларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг олган билимлари савол-жавоб асосида синаб кўрилиб, уларга махсус сертификат топширилмоқда. Сертификатларни биринчи бўлиб Фарғона шаҳридаги 70 та маҳалла маслаҳатчилари олишди.

Қ.ШОДМОНОВ

Сурхондарё вилояти

Қумқўрғон туманидаги Оқжар қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Э. Мўминов ҳаётнинг паст-баландини кўрган, эл-юрт ташвишини теран англайдиган ташаббускор инсон. Энг муҳим жиҳати, Оқжар қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи аҳоли хайрли ташаббуслар йўлида бирлашишга, мушкул юмушларни жипсликда амалга оширишга одатланганлар. Ана шу сабаб бу ерда ҳашарлар тез-тез ўтказиб турилади.

ОҚЖАРнинг МАҲАЛЛАЛАРИ ОБОД

Мактаб қуриш, йўлни равонлаштириш, кўчат ўтказиш, қўяверингки, барча юмушларни Оқжарнинг меҳнатсевар одамлари ортиқча сарф-харажатларсиз, қўл кучи билан маромига етказадилар. Бу эса маҳаллаларни ободонлаштириш каби муҳим вазифаларнинг бошида турган қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ва маҳалла оқсоқолларининг ишини осонлаштиради. Жумладан, ўтган давр мобайнида йиғин ҳудудидаги Оқсой, Янгиобод, Киндиктепа, Гултепа маҳаллаларида замонавий гузарлар ишга тушиши, 300 ўринли спорт ўйингоҳи бунёд этилиши, 2 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилиши, ариқ ва зовурлар тозаланиши, Оқсой, Жийдали маҳаллалардаги ички йўллар таъмирланиши ана шундай аҳиллик самараси.

Ўтган йил ёз ва қиш мавсумлари олдидан оқсоқол Э.Мўминов маҳаллалардаги табиий газ ва ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида вилоят ва туман марказига кўп қатнади, маҳалладошлари ташвиши билан бош суқмаган идораси қолмади. Тез орада бошланган хайрли ишнинг самараси кўринди. Ҳудудга 5 км.лик ичимлик суви, 8 км.лик табиий газ қувурлари ётқизилди. Ниҳоят барча хонадонларда табиий газдан қозон қайнайдиган бўлди. Ундан ташқари кўпчилик аҳоли идиш кўтариб узоқ масофадан сув ташиш муоммосидан халос бўлдилар. Албатта, бу ишлар осонликча бўлгани йўқ. Бу борада оқсоқол асосан меҳнатдан қочмайдиган маҳаллалар аҳлининг куч-ғайратига ва ҳудудда фаолият юритувчи саховатпеша фермерлар, тадбиркорлар кўмагига таянди.

Халқимиз ҳаётида анъанага айланган меҳр-саховат, эзгулик ишлари, айниқса ўтган Меҳр ва мурувват йилида янада чуқурроқ мазмун-моҳият касб этди. Ана шу жиҳати билан ўтган йил юртимиздаги барча маҳаллалар қаторида Оқжардаги маҳаллалар ҳаётида ҳам ўчмас из қолдирди. Бу ерда йил давомида кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етим-есирлар, боқувчисини йўқотган кишилар, якка-ёлғизларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилди. Жумладан, турли байрамлар муносабати билан хайрия дастурхонлари ёзилиб, уларга совғалар улашилди. Уйда ўтирган ногирон, кекса ва бетоблар ҳолидан хабар олинди.

Шунингдек, ҳудудда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айнан қишлоқ ва маҳалла оқсоқолларининг, фаолларининг куч-ғайрати билан турли ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг, жиноятлар содир этилишининг олди олинмоқда. Бу борада туман ички ишлар ҳамда прокуратура идоралари билан ҳамкорлик, қолаверса, маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ташаббуси билан ўтказилаётган тадбирларнинг аҳамияти катта бўлаяпти.

Айни пайтда йиғин маҳаллаларида оммавий ва болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Футбол мусобақаларида оқжарлик ёшлар пешқадамликни қўлдан бермай келаётир. Хусусан, Обод маҳалла йилида "Футболимиз келажаги" спорт турнири мусобақаларида 9-11 ёшлар ўртасида йиғин тасарруфидаги Боғаро ва Киндиктепа, 12-14 ёшлар ўртасида Киндиктепа, 15-16 ёшлар ўртасида Жийдали маҳаллалари футбол жамоалари туман босқичида биринчи ўринни қўлга киритган бўлсалар, ўтган Меҳр ва мурувват йилида ҳам ушбу маҳаллалар жамоалари мусобақаларда муваффақиятли иштирок этди.

Энди йиғин мутасаддилари юртимизда соғлом авлодни тарбиялаш, фуқароларимиз орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби эзгу ишларга қаратилган "Сиҳат-саломатлик йили" дастуридаги вазифалар ижросини таъминлаш йўлида фаол меҳнат қилмоқдалар.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Президент қарорлари ҳаётга

УМШлар ФАОЛИЯТИ: БУРИЛИШ НУҚТАСИ

Мулксиз кишининг Ватани бўлмас, деган экан файласуф ва математик олим Пифагор. Қадим замонларда айтилган бўлса-да, бу ҳикмат айни кундаги турмушимиз, ҳаётимиз моҳиятига жуда ҳамоҳанг. Чунки ҳар биримизнинг турмушимиз мулкимиз орқали кечади, мулкнинг кўриниши ва аҳволи унинг соҳиби табиатидаги фазилату нуқсонларни акс эттириб туради.

Каттами, кичикми, мулк ҳар биримизда мавжуд, уни таъбимиз, имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда тутамиз, таъмирлаймиз ва ҳоказо. Лекин кўп хонадонли, яъни кўп қаватли уйларда яшовчи мулкдорларнинг бу борадаги имкониятлари анча чекланган. Йўлак умумий, лифт умумий, қувурлар умумий... Имкониятию дунёқарашлари турлича кишиларнинг бошини бир ерга қовуштириш эса кўпинча осон иш эмас. Бунинг устига шўролар замонидан қолган тузилма — Уй-жойдан фойдаланиш комиссиялари (ЖЭК) фаолияти кўп ҳудудларда деярли йўқ ҳисобида эди. Ўша даврда фуқаролардан "ЖЭКка мурожаат қилиб ким барака топибди?" деган саволни ҳар қадамда эшитардик. Шу боис бу комиссияларни тугатиб, ўрнига Уй-жой мулкдорлари ширкатларини тузиш эҳтиёжи юзага келди. Лекин бу ширкатлар деярли барча ҳудудларда эски тузилма базасида ташкил топгани боис фаолият тамойиллари эскилигича қолди. Фаолиятда тубдан ижобий ўзгариш ясаган ширкатлар ҳам бору, аммо улар жуда кам эди. Айтайлик, томдан чакка ўтмоқда, уни ким ямайди: сўнгги қаватда яшовчи мулкдорми ёки ширкат? Ёғингарчилик бошланди дегунча томдан чакка ўтади, бир неча йилдан буён аҳвол шу. Сўнгги қаватдаги фуқаронинг эса тегишли тўловларни тўламаётганига ҳам бир йилдан ошган. Фуқаро "Томни тузатмагунларича ҳақ тўламайман" деса, ширкат мутасаддилари "Тўловларни тўламасангиз том ҳам тузалмайди, қолаверса, тегишли тартибда қонуний жавобгарликка тортиласиз" деб туришибди. Ёки кўп қаватли уйда лифт ишламаяпти, бунга ким айбдор: ширкатми ёки лифтдан фойдаланганлик учун ҳақ тўламаётган, бу билан лифтни созлаш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларни сотиб олишни орқага сураётган фуқароларми? Кўп қаватли уйнинг биринчи қаватида истиқомат қилувчилар лифт учун пул тўлашлари керакми, йўқми? Хўш, бир-бирини истисно этувчи бу муаммолар гирдобидан қандай чиқиш мумкинми? Албатта мумкин. Тўғрироғи, яқинда республикамиз Президентининг "Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва "Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари ижросини йўлга қўйиш билан барча саволларга жавоб топилади. Ушбу Қарорларни ҳаётга татбиқ этиш самарасида биринчидан Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини жонлантиришнинг янги имкониятлари юзага келди, бунда айниқса, Уюшмалар ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади. Иккинчидан, фуқароларнинг мулкдор сифатидаги масъулият-бурчлари аниқ белгиланди, шу билан бирга уларнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқлари ҳам ҳимояга олинди.



— Бу икки қарорни энг аввало, кўп қаватли уйларда яшовчи фуқароларнинг турмуш фаровонлигини кўтаришга қаратилган ҳужжатлар дея эътироф этсак ҳақлимиз, — дейди Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги Авиасозлар маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Эркин Мусаев. — Маҳалламиз асосан кўп қаватли уйлардан ташкил топган, шундан биламанки, бу борада кейинги бир неча йилларда муаммолар жуда кўпайиб кетган. Маҳалламиз аҳлидан тушадиган шикоятларнинг катта қисми шу мазмунда. Тўловларни ўз вақтида тўламайдиган фуқароларимиз ҳам кўп бўлмаса-да, топилади. Энди ширкатларимиз фаолиятида Президентимиз қарори асосида ислоҳотлар амалга оширилгач, бу каби муаммоларга чек қўйилади.

— УМШлар фаолиятида туб ўзгаришлар ясаш бугунги куннинг долзарб талаби эди, — дея фикр билдирди шу маҳалла ҳудудида жойлашган УМШ раиси Абдулазиз Туронхўжаев. — Президентимиз қарорларининг моҳияти жуда кенгқамровли, қарор талабларини бажариш орқали турмушимиздаги кўпгина муаммолар ўз ечимини топиши шубҳасиз. Бу қарорларнинг имзоланиши республикамизда УМШлар фаолиятини тараққий эттиришда бурилиш нуқтасидир. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Уюшмаларнинг тузилиши тизимда амалга ошириладиган ислоҳотлар самарасини кучайтиришда асосий омил бўлади. Қарорлар ижросидан сўнг УМШлар фаолиятига фуқароларимизнинг баҳоси, ишончи ортади, деб ўйлайман.

Мавлуда ҚОСИМОВА

Наманган вилояти

Бундан 12 йил муқаддам Уйчи туманидаги Кесканёр маҳалласи аҳли Исмоилжон Абдуллаев номзодини бир овоздан маҳалла фуқаролар йиғини раислигига тавсия этишганди. Маҳалланинг тақдири учун қуюнчак бу йигит оқсоқол этиб сайлангач, маҳалладошлари ишончини оқлаш йўлида тиним билмай меҳнат қилди.

КЕСКАНЁР ГУЛЛАРГА БУРКАНАДИ

Халқни эзгу ишларга бошлаш, хайрли тадбирларни амалга оширишда ташкилотчилик қилиш, кам таъминланган, ночор оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, етим-есирларнинг бошини силаш каби эзгу ишлар раиснинг кундалик юмушига айланди. Тез орада оқсоқолнинг ишлари юришиб кетди. Айниқса, ободончилик ишларига катта эътибор қаратилди. Бу соҳада қилинган ишлар ўз самарасини берди. Обод маҳалла йилида Кесканёр маҳалласи фуқаролар йиғини фаолияти вилоят бўйича юқори баҳоланди.

Оқсоқол Меҳр ва мурувват йилида ҳам зўр ғайрат билан иш олиб борди. Кўча ва хиёбонларда, муборак қадамжоларда катта ҳажмдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Натижада туман маҳаллалари ўртасида ўтказилган "Обод маҳалла" кўрик танловида Кесканёр маҳалласи фуқаролар йиғини биринчи ўринни қўлга киритди.

Меҳр ва мурувват йилида ҳам бу ерда қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, маҳалладаги 6 нафар уруш фахрийлари, 67 нафар кам таъминланган, 48 нафар ногирон фуқаролар ҳар доим маҳалланинг мададини ҳис қилиб турдилар. 2 ёшгача фарзанди бор оилаларга 916460 сўм, 18 ёшгача фарзанди бор 260 нафар оилага 954030 сўм, 24 нафар фуқарога 62220 сўм моддий ёрдам кўрсатилди. 32 нафар кам таъминланган оила "Бирлашган" ширкат хўжалиги томонидан 50 килограммдан буғдой, 12 нафар ана шундай тоифадаги оила ҳамда 24-мактабгача тарбия муассасаси Жомеъ масжиди мурувватидан баҳраманд бўлишди. 11 нафар ногиронга ҳомийлар биркитилган. Турсуной Қамбарова "Соҳибкор" ширкат хўжалиги ва туман ҳокимлигидан ғоят миннатдор. Бу оиланинг уйи таъмирланиб, 3 нафар фарзандига ногиронлар аравачаси, рангли телевизор совға қилинди. 16 та янги иш ўрни яратилиб, 10 киши иш билан таъминланди. 20 нафар кишига ишсизлик нафақаси тайинланди.

Маҳаллада тўй ва маъракалар тартибли, камчиқимли қилиб ўтказилмоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар осойишталигини таъминлаш асосий вазифага айланган. Шу мақсадда 34 кишидан иборат 3 та жамоатчилик пости ташкил қилинган. Муқаддам судланган, диний экстремизм оқими таъсирига тушиб қолган фуқаролар билан тушунтириш ишларини олиб бориш йўлга қўйилган.

Эл-юрт ташвишида елиб-югураётган оқсоқолнинг амалга оширган ишларини санаб тугатиш қийин. Шу боис Исмоилжон Абдуллаевни маҳалладошлари маҳалла фуқаролар йиғини раислигига 3 марта сайлашди.

— Ҳали амалга оширадиган ишларимиз анчагина, — дейди маҳалланинг тиниб-тинчимас оқсоқоли Исмоилжон Абдуллаев. — Адиробод маҳалла аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ишсизлик муаммосини ҳал қилишимиз керак. Сиҳат-саломатлик йилида маҳалламизни обод ва гуллар масканига айлантириш ниятидамиз.

М.ҚОДИРОВ

Меҳрибонлик учун тадбир

МИНГНИКИ БИРГА...

Сир эмаски, кўп ҳолларда хайрли бир ишни амалга оширишда маълум миқдорда маблағга эҳтиёж сезилади. Ваҳоланки, бундай муаммони ташаббускорлик, изланувчанлик ва тадбиркорлик орқали ҳал қилиш мумкин.

СУРАТДА: ютуқларни топшириш пайти.

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси ҳамда "Маҳалла" жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими мутасаддилари ўтган Меҳр ва мурувват йилида уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар, ногиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтиришда ана шундай йўл тутдилар. Улар ўтган 2004 йилда "Меҳрибонлик" пул-буюм ютуқли лотерея чипталарини сотувга чиқардилар. Умумий қиймати 300 миллион сўмни ташкил этган лотерея чипталари суммасидан 40 фоизи, яъни 120 миллион сўми ютуқ жамғармалари учун ажратилди. Самарқанд вилояти аҳолисига ихтиёрий равишда сотилган лотерея ютуқлари орасида 5 та автомашина—1 та "Нексия", 2 та "Дамас" ва 2 та "Матиз" ҳамда бир миллион сўмдан 500 сўмгача бўлган пул ютуқлари жой олган эди.

Яқинда Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Марказий Кенгаши биносида лотереядан автомашина ютиб олган 5 нафар юртдошларимизга ютуқлар топширилди.

Юртдошларимиз лотерея сотиб олиб, кўплаб фуқароларнинг турмушини фаровон этишга хайриҳох бўлдилар. Асосийси "Меҳрибонлик"дан кўплаб оилалар манфаатдор бўлдилар. Қолаверса, лотерея сотувидан тушган фойда минглаб кам таъминланган оилалар, эҳтиёжманд инсонларга меҳр ва мурувват кўрсатиш учун сарфланди.

МУХБИРИМИЗ

Қашқадарё вилояти

ИККИНЧИ ИШОНЧ

Оқсоқол фуқаролар томонидан сайланади. У ўшанда ҳам ўз атрофидагилар, аниқроғи, ўз маҳалласидагилар ишончини олади. Унинг шу ҳудуддан депутат бўлиб сайланиши эса, аввало унинг оқсоқоллик ишончини оқлаб келаётганлигига иккинчи бор билдирилган ишончдир. Зотан, ўз ҳудудида оқсоқоллик бурчини яхши бажара олмаган оқсоқолга депутатлик учун овоз беришмайди.

Собир Раҳимов номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди Ғузор тумани марказига Қарши шаҳрига кириб келишдаги чорраҳадан бошланади. Маҳаллага 12 йилдан буён Эгамберди Ҳамроев оқсоқоллик қилиб келади.

Маҳаллада 610 хонадон мавжуд бўлиб, 3182 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда турли тадбирлар, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, ҳашарлар уюштириш анъанага айланган.

Йиғин раисининг ташаббуси ва ташкилотчилигида ўтган йил давомида кўплаб тадбирлар маҳалла аҳли иштирокида юқори савияда ўтказилди. "Меҳрингизни дариғ тутманг, одамлар" деб номланган тадбирга маҳаллада истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийлари, эҳтиёжманд инсонлар таклиф этилди. Уларга маҳалла ҳудудидаги тадбиркор ва фермерлар ҳомийлигида дастурхон безатилиб, хайрия оши берилди. Маҳалла оқсоқоли 21 нафар ёрдамга муҳтож кишиларни ҳар бирининг номига Халқ банкидан ҳисоб рақами очиб, 7 минг сўмдан пул қўйилган омонат дафтарчасини ва 5 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат совғаларни топширди.

Маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш комиссияси маҳаллада истиқомат қилувчи фуқароларнинг моддий аҳволини ҳар томонлама пухта ўрганиб чиқиб, адолатли иш кўраяпти. 2004 йилда 18 ёшгача бўлган кам таъминланган оилалар болаларига қарийб 29 миллион сўм миқдорида нафақа тўланди. 2 ёшгача боласи бор ишламайдиган оилаларга 8 миллион 923260 сўм миқдорида нафақа берилди, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга 2 миллион 401940 сўм миқдорида моддий ёрдам тайинланди.

Шуниси қувонарлики, ўтган йил давомида маҳалла ҳудудида бирорта ҳам қонунбузарлик ҳолати содир бўлмади. Оилавий можаролар, келишмовчиликлар, ёш оилалар ўртасидаги ажралишларнинг олди ўз вақтида олинмоқда.

Маҳаллада тадбиркорликни кучайтириш, маиший хизматлар ва савдо-сотиқ соҳасини ривожлантириш ҳамда кичик бизнесни кенг йўлга қўйиш орқали янги иш ўринларини яратиш комиссияси тузилган. Ўтган йилнинг февраль ойида Охунбобоев номли кўчада тикув цехи ташкил этилиб, 16 нафар хотин-қизлар иш билан таъминланди. 2004 йилнинг ўзида маҳаллада истиқомат қилувчи тадбиркорлар томонидан 3 та тегирмон қурилиб, ишга туширилди. Ҳозирги кунда маҳалла ҳудудида замонавий усулда қурилган буюм бозори ишга туширилиш арафасида турибди. Бу бозор ишга тушгандан сўнг маҳалланинг яна 200 нафар фуқароси учун иш ўрни яратилади.

Вилоят ва туман ҳокимларининг шу йилнинг январь-март ойларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш уч ойлигини ўтказиш тўғрисидаги қарорларига асосан маҳалла ҳудудида бу ишларга январь ойининг дастлабки кунларидан киришилди. Йиғин раиси маҳалла аҳлини гузарга йиғиб, уларга бу тадбирнинг аҳамиятини обдон тушунтирди. Шундан сўнг маҳалла ҳудудида ёшу қари иштирокида катта ҳашар ташкил этилди. Бир ой ичида 30 тоннадан ортиқ турли хил чиқиндилар йиғиштириб олинди. Кўчалар тозаланди, уйлар, ҳовли деворлари сувоқ қилиниб, оқланди, ариқлар қазилиб, ерлар ағдарилди. Маҳаллада 400 минг тупдан зиёд турли хил мевали ва манзарали кўчатлар экилди.

Маҳалла ҳудудидан ўтган эски Ғузор дарёси қирғоқлари чиқиндилардан тозаланиб, айни пайтда бу ерда маҳалла боғи барпо этилмоқда.

— Йил бошиданоқ Сиҳат-саломатлик йилидаги вазифаларимизни пухта режалаштириб олдик, — дейди оқсоқол Эгамберди Ҳамроев. — Энг аввало туман шифохонаси шифокорлари билан ҳамкорликда барча фуқароларимизни тиббий кўрикдан ўтказамиз. Шифокорларнинг тавсиясига кўра беморлиги аниқланган, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар, ногиронларнинг йил давомида даволанишлари учун тадбиркорлар, фермерлар ҳомийлигини ташкил этамиз. Туман ҳокимининг қарори билан ташкил этилган "Мактаблар куни"да ҳудудимиздаги иккита мактабда бўлиб, кам таъминланган ўқувчиларни дарслик, ўқув қуроллари билан таъминлаш, мактаб биноларини таъмирлаш, ободонлаштиришни доимий ишимизга айлантириб олдик.

2004 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган сайловларда 3 нафар маҳалла фуқароси халқ депутатлари туман кенгаши депутатлигига сайланишди. Маҳалла оқсоқоли Эгамберди Ҳамроевнинг номзоди сайловчилар ташаббускор гуруҳидан кўрсатилган бўлиб, эл орасида катта обрўга эга бўлганлиги учун ҳам сайловчиларнинг кўпчилик овозини олиб, депутат бўлди.

Абдураҳим АБДУЛЛАЕВ,
журналист.

Суратда: маҳалла оқсоқоли Э.ҲАМРОЕВ хайрия тадбирида.

Хоразм вилояти

Гулобод ўз номига яраша гўзал, обод қишлоқ. Қайси маҳалласига кирманг орасталик кўзни қувнатиб, дилни яйратади. Ҳар бир ҳовли олдидаги ишкомлар, гулзорлар, хиёбонлар қишлоққа ўзгача файз, кўрк бағишлаб турибди.

ГУЛОБОДДАН ГАП ОЧСАК...

Хонадонлардаги турфа гуллар кайфиятингизни кўтариб, баҳри дилингизни очади. Аммо ана шундай кўркам қишлоқда бирорта ҳам тиббий муассасанинг йўқлиги, айниқса, кексаларга қийинчилик туғдирарди. Узоққа, туман марказига қатнашга тўғри келарди. Айни Сиҳат-саломатлик йили бошида Янгиариқ туманидаги Гулобод қишлоғида касалхона қурилиши бошланди. Уни халқимизнинг суюкли байрами — Наврўз айёми арафасида ишга туширишу учун жадал ишлар олиб борилмоқда.

Сиҳат-саломатлик йилида туманимизда ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди туман марказий касалхонаси шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўлими бош шифокори Отабой Машарипов. — Туман марказида 200 ўринли шифохона, 7 та шифокорлик мажмуи ишлаб турибди. Шунингдек, Гулобод ва Гулистон қишлоқларида ҳам ана шундай тиббий муассасалар қурилмоқда. 127 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар, ускуналар, дори-дармонлар, жумладан, инсон сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишда, ташхис қўйишда зарур бўлган ЭКГ, УЗИ каби энг замонавий ускуналар билан таъминландик.

"Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастури асосида Гулободда бошланган хайрли, ишлар вилоятнинг бошқа чекка қишлоқларида ҳам давом этмоқда.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент вилояти

ШАҲМАТ ТУРНИРИ ЎТКАЗИЛДИ

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили ва Бекобод шаҳрининг 60 йиллик юбилейи муносабати билан шаҳардаги 12-мактабда шаҳмат бўйича турнир ўтказилди. Шахмат турнири шаҳар "Камолот" ЁИҲ ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси шаҳар бўлинмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Турнирда шаҳардаги 21 та маҳаллалардан 36 нафар катта ёшдагилар ва 30 нафар 10 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар иштирок этдилар. Шахсий биринчилик учун шахмат тахтаси устида қизиқарли баҳслар бўлиб ўтди. Катталар ўртасидаги мусобақаларда Қосим ота Фармонов маҳалласидан Абдували Хўжамуродов биринчи, Аҳмаджон Қудратов иккинчи, Ҳамид Олимжон номли маҳалладан Давлатбек Гулмуродов тўртинчи ўринга сазовор бўлдилар. Болалар ўртасида бўлиб ўтган беллашувларда эса 1,2,3-ўринларни Пахтакор, Андижон, Муқимий номли маҳаллалардан Дилмурод Холматов, Виктор Ли, Фарҳод Худоёровлар эгалладилар.

"Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлинмаси раиси Абдуллажон Исматов мусобақа ғолибларига жамғаманинг совринларини топширди.

Шахмат турнирининг ўтказилиши ёш авлодни жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, аҳолини ақлий спорт билан фаол шуғулланишларини кенг тарғиб қилишда катта аҳамият касб этади.

Йўлдошбек ВАЛИБЕКОВ,
биринчи разрядли шахматчи.

Фарғона вилояти

ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИКЛАР

Сиҳат-саломатлик йилининг дастлабки кунларини Фарғона шаҳри аҳолиси яна бир янги қулайлик билан қарши олдилар. Йўловчиларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш мақсадида вилоят "Автотеххизмат" корхонаси томонидан Самарқандда ишлаб чиқарилган 50 та "Ўзотайўл" автобуслари келтирилиб, шаҳар ички йўналишларида қатнов йўлга қўйилди.

Автобуслар асосан шаҳардаги 14-24- ва 22-йўналишларда йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда. Бундай қулайликдан айниқса мактаб ўқувчилари, талаба-ёшлар ва пенсионерлар ғоятда мамнун бўлишяпти. Чунки автобус йўл ҳақки атиги 50 сўмни ташкил этади.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири

Чорраҳа

МЕРОС ҚАДРДАН ҚИММАТМИ?

ёки инсофини йўқотган жигарбандлар хусусида

Инсон боласи не-не кечмишларни бошидан кечирмаган?! Турсунбой (баъзи истиҳолалар билан исмлар ўзгартириб берилянти) бунгача кўрган заҳматлари етмагандай нақ қирқ икки ёшида турмушнинг қақшатқич зарбасига учради...

У оилада тўнғич фарзанд бўлиб туғилган эди. Падари бузруквори Қодир ота бир умр оғир меҳнат билан кун кечирганди, пешона тери эвазига топилган луқмаи ҳалолига қаноат қилиб яшаганди. Онаси Сулув момо ҳам ҳақгўй инсон эди. Дилхираликни билмайдиган бу аёлнинг маҳаллада ҳурмати баланд эди.

Турсунбойдан кейин Бектемир, Зарифалар туғилди. Вақти соати етиб Турсунбой, Бектемирлар уйланишди. Зарифа қўшни туманга узатилиб кетди. Аммо Турсунбой ҳадеганда фарзанд кўравермагач, турмуши бузилди. Қодир отанинг дарди кучайди. Сулув момо юрак хасталигига чалинди. Аммо кўч-кўронини орқалаб кетган Бектемирга қурби етганча иморатини тиклашда ёрдамлашишга куч топа олди. Лекин Бектемир хотини билан тил бириктириб "ҳа" деганда ота-онаси билан жанжаллашаверди. Қарияларнинг эса дарди ичида, ҳасратга бота бошлади...

Кунлар ўтиб яна Турсунбой оилали бўлди. Келин ўзининг аввалги турмушидан дунёга келган қизи — Азиза билан келди бу оилага. Бу қувонч кўпга бормай, бир сонияда ҳам ота, ҳам онасидан ажаралиб қолди. Отанинг жони чиққач, танаси совимай юраги ҳаста онанинг ҳам жони узилган эди...

Ажал ота ва онадан бир пайтда жудо қилган фарзандлар икки кунги аза маросимларида бир-бирларига мададкор бўлгандай, бирга ҳамдард бўлдилар. Аммо икки кун ўтгач ака-сингиллар шарм-ҳаёни унутиб, ота-она бисотини бўлиб ола бошладилар. Шундай қилиб ота уйидан беш юз минг сўмлик мол-мулк машинага ортилиб, Зарифа ва Бектемирларнинг уйларига олиб кетилди. Аммо бу билан муросаю мадорага, бирор битимга келинмади. Меросни бўлиш учун судга мурожаат қилинди. Ҳолат шу даражага бориб етдики, даъво аризасида чойнак-пиёлалар, челак ва лаганлар, шиша идишларгача четда қолмади. Суднинг Қонунга мувофиқ марҳум Қодир ота номида бўлган уй-жойнинг учдан-икки қисмини, бошқа мол-мулкларнинг ҳам ака-сингил Бектемир ва Зарифаларга олиб бериш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Суд қарор қабул қилди. Ундан барча рози, шикоят йўқ. Лекин қишнинг совуқ изғирин кунларида Бектемир ва Зарифалар акаси Турсунбойдан уйнинг ўзлари учун ажратилган қисмидан тезроқ чиқиб кетишни талаб қила бошладилар. Кунларнинг бирида жанжал ва оқибатсизлик шу даражага бориб етдики, янгалари Азизани калтаклаб, унга ергил тан жароҳати ҳам етказдилар ва жиноий жавобгарликка тортилдилар ҳам. Аммо бу билан ҳам жанжал тугамади, давом этаверди.

Кунлар ўтяпти. Турсунбой жигарбандларининг зўравонлик ҳаракатларидан, инсофсизлигидан куйиб пишгани билан наф кўрмади, судни мол-мулкни бўлиш борасида қарорига норозилик ҳам билдирмади. Аммо ота-онасининг кексалик чоғларида аҳвол сўрашга ярамаган ўғил-қизнинг мерос бўлиш чоғида кунда-шунда келавериб, жанжал ва қистовларидан чарчади.

Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
журналист.

Олам турфа

ЯРИМ ЙИЛДАН СЎНГ ТОПИЛГАН БАРМОҚ

Америкоданг Суитустер шаҳрида яшовчи Роберт Линдсей моторли қайиқда сайр қилиб юраанда, дўстининг қизи чўкаётганиза кўзи тушиб қолди.

Қутқариш учун ўзини шартта сувга отди. Шу пайт қайиқ парраги Робертнинг учта бармоғини кесиб кетди. Лекин шундай бўлса-да, қизни қуқарди. Сўнг бошқа балиқчилар билан бирга ўзининг бармоғини қидиришга тушди ва топди ҳам. Дўхтирлар эса бош ва кўрсатиш бармоқларини ўз жойига улаб қўйишди. Фақат... жимжилоқ бармоқ топилмади. Ярим йилдан сўнггина бу бармоқни топишга муяссар бўлишган. Қандай қилиб денг? Ўшанда балиқчилар тутиб келган гулмоҳи балиғининг ичини ёришган эди... ошқозонидан Робертнинг жимжилоқ бармоғи чиқди. Нега энди айнан шу бармоқ Робертники эканлигини ишонч билан айтаётганимизга сабаб шуки, суд бу бармоқ Робертники эканлигини тасдиқлаб қарор чиқарди.

ЭМИЗИКЛИ ГЎДАКДА "БЕТОНА" БУЙРАК

Эндигина 4 ой умр кўрган чақалоқ ҳаёти хавф остида эди: унинг буйраги... Бироқ хатарли бўлса-да, йўли бор эди.

Шунинг учун ота-онаси шифокорларнинг "хатарли таклифи" га рози бўлмасдан иложлари қолмади. Олмониянинг Эссен дорилфунуни клиникасида гўдак операция столига ётқизилди ва катталар буйрагини унга кўчириб ўтказилди. Доктор Эрхарднинг таъкидлашича, чақалоқ хасталиқдан батомом қутилган.

ҚАЙТА ЎРНАТИЛГАН ҚУЛОҚ

Америкоданг Нью-Ганover (Шимолий Каролина штати) шаҳрилик тиббиётчилар ажойиб операцияни амалга оширдилар. Улар икки ёшли Крис Грехмнинг бульдог тишлаб олиб, ютиб юборган қулоғини қайтадан тикиб қўйдилар.

Бувасининг фермасига меҳмон бўлиб келган болакай эҳтиётсизлик қилиб, уришаётган итлар орасига тушиб қолди. Унга учта бульдог ташланди. Крисни итлар орасидан тортиб олишганида, унинг чап қулоғи йўқ эди.

Бульдогларни ухлатиб, улардан биринг қорнидан қулоқни топишади. Орадан тахминан икки соатча вақт ўтгач, болани операция қилишади ва қулоғини жойига қайтаришади.

М.ИСЛОМОВА
тайёрлади.

Тошкент шаҳар Сергели тумани ИИБ томонидан 2004 йили якка тартибдаги тадбиркор "ABDURAXIMOVA SHOHISTA ABDUKADIROVNA" номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент Ахборот технологиялари университети томонидан 2004 йили Қаҳҳоров Бекзод Бахтиёровичга берилган 32099 рақамли талабалик гувоҳномаси (дубликат) йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Шайҳонтохур тумани ДСИ томонидан 2004 йили якка тартибдаги тадбиркор Арипов Бахтиёр Абдувахитович номига берилган даромадлар ва операцияларни ҳисобга олиш дафтари йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

"OSIYO-LADA-SEVIS" МЧЖ Устав фондини 34624000 сўмдан 32463273,88 сўмга камайтирмоқда. Манзил:- Навоий кўчаси, 16 "А"-уй. Тел: 144-77-29.

"РАБОТИҚАЛМОҚ"ДА – ҲАЁТ ҚАЙНОҚ

Бухоро туманидаги "Работиқалмоқ" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 7 та қишлоқ ҳокимлик маскани ва 8 та сартарошхона ишлаб турибди. Қишлоқларда истиқомад қилувчи уруш ва меҳнат фахрийлари, I-II гуруҳ ногиронлари улар хизматидан бепул файдаланмоқдалар.

Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида "ижтимоий ҳимоялаш" маркази иш бошлаганига анча бўлди. Марказ раҳбари Шаҳодат Болтаева ижтимоий ҳимояга муҳтож 100 ортиқ кишини вақти-вақти билан кўнглини топмоқда.

Яқинда яна бир хайрли ишга келишиб олинди. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси М.Солиев билан машъал "Маданият" ширкат хўжалиги раиси М.Аҳмедовлар имзолаган бу аҳдлашувга кўра, ҳудудда иш олиб бораётган 8 та маҳаллада эл-юрт ҳурматига сазовар 8 нафар оқсоқол самарали ва ибратли фаолият олиб бораётир. Яқинда уларнинг кўнгли чоғ бўлди. Фаолларнинг ҳар бирига бадавлат хўжалик ҳисобидан 18 минг сўмлан ойлик маош тайинланди.

Дилмурод ЖАББОР,
"Mahalla" мухбири.

Юрт тарихи тилсимлари

ҚУТЛУҒ ТЕМУР МИНОРАСИ

"... Урганч ўлка пойтахтининг номидир. Бу ажойиб бозорлари, обод кўчалари бўлган энг улуғвор, энг гўзал, энг йирик шаҳарлардандир... Мен бу шаҳарни мўғуллар забт этиб вайронага айлантирганигача, 616 йили (1219—1220) кўрганман. Назаримда, бундан катта, бундан ҳам бой ва обод шаҳарни ҳеч қаерда кўрмаганман..." Хоразм пойтахти Гурганчда тўхтаб ўтган машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута ана шундай деб ёзган эди. Ана ўша бинолар, обидаларнинг айримлари бизнинг давримизгача сақланиб қолган.



Хоразмшоҳ Султон Такаш (XII-XIII асрлар), Тўрабекхоним, шунингдек, XIII асрда яшаган қомусий олим Фахриддин Розий ва Нажмиддин Кубро мақбаралари шулар жумласидандир. Айниқса, баландлиги 62 метр келадиган Қутлуғ Темур минораси бу ердаги ноёб меъморчилик обидалари ичида алоҳида кўзга ташланиб туради. Кўҳна Урганчдаги энг қадимий, салобатли ва мустаҳкам бу минора XIV асрнинг 30 йилларида амир фармонига мувофиқ қурилган. Минора пештоқидаги арабча ёзувдан ана шу тарихни аниқлаш мумкин. Минора Султон Такаш мақбараси ёнида қад кўтарган. Марказий Осиёдаги энг баланд 62 метрлик бу миноранинг юқори қисмидаги сақланиб қолган айрим араб ёзувлари, битиклардан, минора қурилиши билан боғлиқ бўлган айрим тарихий ёзувларни ўқишимиз мумкин. Бироқ уни бунёд этган усталарнинг исми бизгача номаълум. Минора геометрик қоидага асосан ғиштин безаклар билан қопланган ва унга нақшин белбоғлар қилинган. Миноранинг ердан 30-40 метр баланд қисмида арабча кўфий хатига кўзингиз тушади. Ёзув 14-16 қатор ғиштдан бўрттириб терилган. Унга қараб туриб бу ғиштларни терган усталар маҳоратига тасанно айтасан киши. Чунки арабча ҳарфларни нақш сифатида уйғунлаштириб териш осон бўлмаган, лекин улар (усталар) бу ишни қойилмақом адо эттиришган. Усталар ёзув матнининг бехато бўлиши, ғиштларнинг ёнма-ён ва устма-уст жойлашуви, минора баландлашгани сари учи торайиб боришини, шунингдек, минора ичидаги айланма зинапояни ҳисобга олишлари, қолаверса, миноранинг тик қаддини сақлашда хатога йўл қўймасликлари талаб қилинарди. Миноранинг мезанаси ҳам бўлиши зарур эди. Бунинг учун меъморлар 50 метр баландликда ёғоч тўсинларни кесиштириб, 16 қиррали юлдуз шаклига келтиришган. Айвонча асоси бўлиб хизмат қилган тўсин қошлари ўймакор нақш билан чиройли қилиб безатилган. Минора қурилиш услубига кўра пастдан юқорига кўтарилган сари анча ингичкаланиб борган. Миноранинг қуйи қисмида куфий ёзувида Қутлуғ Темур ва Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг номлари ёзилган. Жомеъ масжидининг томи орқали эшикдан минора ичкарисига кирилиб, кейин бу ердаги 144 та махсус зинапоя орқали юқорига чиқилган. Миноранинг қуйи қисмида муаззин учун ёғочдан мустаҳкам қилиб ишланган махсус жой ҳам бўлган.

Усталар зилзилага, табиий офатларга, пойдевор остидаги тупроқ чўкишини ҳам, яқин атрофдаги сизот сувлар ҳаракатини ҳам ҳисобга олишган.

Ўзаро низолар, босқинчилик урушлари тарихий биноларни, жумладан, улуғвор бу минорани ҳам вайрон қилди. Араб тарихчиларидан бири Хоразмнинг "Душман лашкарлари томонидан эгалланиши натижасида шаҳар ҳимоячиларининг энг сўнггилари минора ичига яширинадилар. Бироқ душман аскарлари унинг атрофига ҳашак уйиб ёқиб юборишган", деб ёзади. Бу даҳшатли ёнғиндан кейин миноранинг ҳамма — 144 та пиллапояси, шунингдек, мезана айвончаси бутунлай ёниб кулга айланади.

Хоразмнинг кейинги хонликлари даврида минора зиналари қайта тикланган, ички деворлари сувалган. Кейинги асрларда минорадан ҳарбий кузатув мақсадларида фойдаланганлар.

Бугунги кунда бу тарихий маъмурий обида аждодларимиздан қолган мерос сифатида давлатимиз томонидан қонун йўли билан муҳофаза қилинмоқда.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Дўстларнинг қувватлашига, яқинларингизнинг хайриҳоҳлигига айниқса шу кунларда катта эҳтиёж сезасиз.

СИГИР(22.04-20.05)
Меҳмондорчиликлардан ортиб касбий фаолиятингизга эътибор қаратамасангиз, катта кўнгилсизликлар қуршовида қоласиз.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Кайфиятингиз шундай кўтаринки бўладиган бўлса, ҳатто мих қоқиш ёки таом тайёрлаш ҳам сизга катта завқ бағишлайди.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Узоқ сафарга отланишга тўғри келиб қолса, ҳар эҳтимолга қарши биринчи ёрдам кўрсатишда асқотадиган дорилардан ғамлаб олинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Кўчмас мулк билан боғлиқ можароларга асло аралаша кўрманг, айни кунларда бу соҳада ишларингиз юришмаслиги мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Ким нима дер экан, дея атрофингиздаги кишиларнинг оғзини пойлаб ўтиргунча ишга киришинг, бундан фақат фойда кўрасиз.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Оилавий аъзоларингиз қаршилик билдирган тадбирларга кириша кўрманг. Бунинг оқибати сизга катта ташвишлар келтиради.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Дўстлар даврасида тилингизни тийишни уддасидан чиқа олмасангиз, улардан ўпкаламанг, кўпам юзхотирчилик қилишмаса керак.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
"Раҳбар ҳамиша ҳақдир" деган ўгитни эшитганмисиз? Эшитмаган бўлсангиз ҳам, шу кунларда унга амал қилсангиз ўзингизга фойда.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Ишқий муносабатлар ақлу-ҳушингизни олиб, ўз хатти-ҳаракатларингизни назорат қилолмай қолишингиз мумкин. Бундан сақланинг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Баҳор яқинлашаётгани ҳаммадан кўра сизга сезилаётган бўлса-да, ҳис-туйғуларингизни жиловлашни маслаҳат берамиз.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Сизга хос бўлмаган ўта жиддийлик атрофингиздаги кишиларнинг сизни нотўғри тушунишларига сабаб бўлиши мумкин.

КЎҲНА МЕРОС ТАЛҚИНИ

Хоразм вилояти

Миллий мусиқа маданиятимиз тарихи олис асрлар қаъридан садо беради. Хусусан, Хоразм мусиқаси ҳам ўзининг бой ва сермаҳсул ўтмишига эга.

Унинг дастлабки даври Хоразм Маъмун академияси даврига тўғри келади. Замонасининг буюк алломаларидан бўлган Имом Фахриддин Розий 1179 йилда Кўҳна Урганчда "Соз илми рисоласи"ни ёзиб, Шарқ мусиқашунослигига асос солган эди.

Хоразм мусиқасининг ривожланган иккинчи даври 1864 йилда тахтни эгаллаган Муҳаммад Раҳимхон Феруз замонига тўғри келади. Бу вақтга келиб мусиқачиликни келажак авлодларга етказишнинг янги усули — нота шакллари вужудга келган. Ферузнинг ташаббуси билан Ҳофиз Комил Хоразмий етакчилигида "Танбур чизиғи" деб номланган мусиқий савод ўргатувчи мажмуа юзага келади ва ундан мусиқа машғулотларида фойдалана бошланади.

Бугунги кунда Хоразмнинг шарқшунос ва мусиқашунос олимлари аждодларимиз яратган ана шу ноёб тарихий қўлёзмаларни ўрганиб амалиётда фойдаланишга тайёрламоқдалар.

СУРАТЛАРДА: хоразмлик шарқшунос олим, ҳозирги Хоразм Маъмун академияси етакчи илмий ходими Абдулла Аҳмедов ва мусиқашунос Озод Матяқубовлар. (чапда)

Ал-Хоразмий номидаги УрДУ мусиқа кафедраси ижодий жамоаси ноёб тарихий қўлёзма "Танбур чизиғи"ни замонавий нота йўлига кўчириб, амалиётда фойдаланишга тайёрламоқдалар.

Қадамбой ОТАЕВ олган суратлар.

Мозий, тарих... Не-не воқеликларга гувоҳ. Демак, тарихга қайтиб иш кўрмоқлик аввал қилинган хатоларни такрорламасликни, баъзи ўринларда эса ўрнак олишни тақозо этади.

АРХИВ – ҲУЖЖАТЛАРДАГИ МОЗИЙ

Истиқлол, мустақиллик шарофати билан Ватанимиз тарихини ҳар қандай ёлғонлар, бўрттиришларсиз ўрганиш, аждодларимизнинг бой маънавий-маданий меросини тадқиқ этиш имконияти туғилди. Тарихни ўрганишда эса, энг аввало, тарихий ҳужжатлар муҳим роль ўйнайди. Мустақиллик йилларигача бундай ҳужжатларга унчалик эътибор берилмаган, аксинча кўпгина қимматли ҳужжатлар йўқотиб юборилган. Истиқлол йилларида амалга оширилган хайрли ишлардан бири — бу миллий тарихимизни тиклаш, хусусан, тарихни ўрганишда асос сифатида хизмат қилувчи архив ҳужжатларини тартибга келтириш, тиклаш, яхши сақлаш борасида қилинган тадбирлардир.

Архив ҳужжатлари ҳам ахборот манбасидир. Аммо архивнинг бошқа ахборот манбаларидан фарқи ва қадр-қиммати унинг ўтмиш ҳақидаги маълумотларни ўзида жамлашидадир. Шундан келиб чиқиб, архивларни тарих ва келажак ўртасидаги кўприк, дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 15 апрелдаги ўн тўртинчи сессиясида қабул қилинган "Архивлар тўғрисида"ги Қонун архив тизими борасида туб бурилиш ясади. Ўзбекистоннинг моддий ва маънавий ҳаёти акс этган ноёб ҳужжатларга тарих манбалари сифатида алоҳида эътибор билан ёндашишни йўлга қўйди. Архив тизимини янада ривожлантириш учун ҳуқуқий асос яратилди.

Қонунда "Ўзбекистон халқининг моддий ва маънавий ҳаёти акс эттирилган барча архив фондларининг мажмуи Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳисобланади", деб белгиланди. Унда Миллий архив фондининг ҳужжатлари, уларнинг сақланаётган жойидан қатъий назар, давлат ҳисобига олиш кераклиги таъкидланди.

Хўш, архив борасида жойларда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Қонуннинг ижроси амалда тўлиқ таъминланаяптими?

Бу каби саволларга Наманган вилояти мисолида жавоб изладик.

— Ҳозирги кунда вилоятда 6 та давлат, 12 та шахсий таркиб ва бир қатор идора архивлари фаолият кўрсатмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Наманган вилояти Учқўрғон тумани архивининг бошлиғи Муҳаммадали Умаров. — Давлат архивлари томонидан мустақиллик даврига оид 94420 та бошқарув ҳужжати, 1308 та сурат, 1228 та фуқаролар ҳужжатлари қабул қилинган. Архив тизими, унинг моҳиятини тушунтириш борасида бир қатор материаллар оммавий ахборот воситалари орқали халққа етказилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 12 майдаги "Ватанимиз озодлиги ва истиқлоли учун курашларда жон фидо этган, шўро тузуми даврида қатағон қурбонлари бўлган минглаб фидойи инсонлар, шаҳид зиёлилари хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги фармойишига асосан Наманган вилояти давлат архивида мустамлакачилик даври қурбонлари тўғрисидаги ҳужжатлар билан ишлаш яхшиланди. Булар ичида қатағон қурбонлари авлодлари билан ташкил этилган учрашув ва телекўрсатув вилоят халқи қалбида истибдод қурбони бўлган ўзбекнинг асл фарзандларига бўлган ҳурматининг яна бир бор ошишига ҳисса қўшди. Бир қатор кўчаларга айнан ана шу мустамлака қурбонларининг номлари берилгани ҳам диққатга сазовордир.

Архив маънавий бойликдир. Шу боис унинг баҳоси йўқ. Архив бу бизнинг ўтмишимиз, бугунимиз ва келажагимиз. Шундай экан, архивларни тўплаш, уларни асраш, келажак авлодга етказиб бериш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Машҳурахон ТЎХТАМИРЗАЕВА,
талаба.

Турмуш сўқмоқларида

МУҲТАРА АЯНИНГ КЕНЖАСИ...

Қурсия қирқ уч ёшни қоралаб қолди. Кўпгина қишлоқ қизлари-аёллари сингари оддийгина кийинади. Энг узоқ борган жойи Шофиркон тумани маркази.

Қурсиянинг онаси Муҳтара буви ҳозир 80 ёшни қоралаб қолди. Турмушнинг кўп машаққатини тортган аёл. Ўттиз ёшнинг этагида эридан тул қолган. Икки ўғил, икки қизни якка ўзи тарбиялади. Ўшанда кенжа қизи — Қурсия икки ёшда эди. Тадбиркор аёл игнадан ўқ қилади, деганларидек Муҳтара опа рўзғорини томорқасидан юргизди. Янгигина ҳосилга кирган боғлари ададсиз ҳосил берди. Кишмишию сояки узумлари бозорнинг олди бўлди. Эски қўш темир сандиқда сара майизлар қиш тирикчилиги деб ғалвирдан саралаб ўтказилди. Истеъмолдан ортган ўрикнинг данаги пулга айланди.

Ҳозир Муҳтара аянинг икки ўғил ва бир қиздан 15 нафар набираси бор, 3 нафар эвара ҳам аллақачон бешик тўйи кўрди. Фақат Қурсия онаси билан яшайди. Ая ўғиллари билан ёнма-ён яшасада, ҳар куни ўзи ва қизи учун қозон осади. Қўни-қўшнининг ногаҳон кириб келишини ҳам ўйлайди, албатта. Ҳар куни овқатнинг бир коса ортиқчаси бор. Иккаласи ҳам давлатдан нафақа олади. Ая қарилик, Қурсия эса ногиронлик нафақасида.

Икки оғиз Қурсия ҳақида. У 1962 йили сал заифроқ туғилди. Шунинг учун ҳам ёшлиги касалвандроқ ўтди. Ўша йиллардаги турмушнинг зарбаси Қурсияни дўхтирма-дўхтир олиб чопишни чегаралаб қўйди. Вақт эса ўтаверди, шифо олиш кечикиб, тенгдошлари қатори унинг ҳам бўйи етиб қолди. Бирин-кетин улар ёр-ёр эшитди. Қурсияни ҳеч ким сўрамади. Биров касал деди, биров эси пастга чиқарди. У қари қизга айланиб қолди. Қурсия дуо олди. Ариқдан оқар сув ташиб онасига чойлар қайнатиб берди. Юмшоқ тўшаклар солиб бериб эъзозлади. Болаликдаги заифлик асорати туфайли уни нафақага чиқаришди. Қурсия ўз томорқасининг ҳақиқий меҳнатчисига айланди. Экинларга сув таради, боғ-роғлар остини юмшатди. Онаси билан нафақаларини жамлаб ориқ мол сотиб олиб, семиртириб сотди, гўштга топширди. Ака-опаларининг фарзанд тўйларига тўёналар қилди. Муҳтара ая қадди мағрур, тили узун юришни яхши кўрадиган аёл. Келинлари унинг бу феълини эркакча феъл-атвор деб айтишади. Баъзи ўринларда эркакларда ориятнинг паст кетишини кўрсам Муҳтара буви кўз олдимга келади.

— Хонадонда тўрт-беш сўм ортиқча пул доим туриши керак, — дейди ая. — Кўплар пул орттира олмасликларига замонни рўкач қиладилар. Мен қўшилмайман, бу баҳона. Харжни ўйлаб-билиб сарфлаш керак. Ўйламай еганга тоғ ҳам чидамайди. Қозиғингга битта ортиқча мол боғлаб қўй ҳеч бўлмаса. Кўзмунчоқдек қилиб боқ. Орқа-олдидан парвона бўл. Ҳаммасига ҳафсала керак.

Яқинда қишлоққа ўтиб Муҳтара бувини зиёрат қилдим. У ўлимни ҳам мардона тан олади. Ўтган умридан рози. Аллоҳнинг берган ризқидан шукронаси бисёр. Аядан Қурсиянинг саломатлигини сўрадим. — Яхши, — деди ая. — Опасининг уйига бир челак узум олиб кетувди. Жиянларини соғинибди. Кечгача келиб қолади. Бошим оғриса тепамда тик туради болам бечора. Мен уни ўйлайман, у менга Худодек сиғинади.

Ая бироз уф тортгандек бўлди.

— Билмадим, мендан кейин унинг ҳаёти нима бўлади, — деди секингина. — Нафақаси ўзига етади. Ака-опалари хор қилиб қўймас. Сенгаям авлодлик жойи бор. Мендан кейин ҳам баъзан-баъзан кўриниш бериб тур.

Менинг сўнгги манзилим куни қабр бошига аёл киши бормаслиги керак, деб оёқ тираманглар. Майли, Қурсия борсин шу куни. Бир кетмон тупроқ ташласин устимга. Унинг қўлига ўрганиб қолганман...

Ҳаётда нималар бўлмайди. Тўкис тақдир, нотўкис тақдир. Орамизда нотўкис тақдирни қўл билан, қалб билан тўкис қилиб, тўғрироғи тўкис билиб яшаётганларга тан бергинг келади.

Дилмурод ЖАББОР

Х.СОДИҚОВ чизган расм.

Утерянную чековую книжку ЧОАКБ "Капитал Банк" 0019726-19750 выданную Ч.Ф."LOYIHA-SIFAT" считать недействительным.

ООО "ЮСУФБЕК-ХОЖИ" Мирабадкского р-на сообщает об уменьшении уставного фонда с 42500000 сум до 35251347 сум. Претензии принимаются в течении месяца по тел: 187-62-24.

Утерянный гос.ордер 05-01/1896 от 22.01.93 г. о праве собственности на имя Аптелеева Касым Бараталиевича считать недействительным.

ООО "MOLDI OSIN", зарегистрированное в Мирабадском районе (регистр 000660-03 от 18.11.04г.) сообщает об уменьшении Уставного Фонда с 18 757 дол. США до 500 дол. США.

Все притензии принимаются в течении 2-месяцев со дня публикации по адресу: ул. Файзобод, дом 43.

ТСЖ "Бону-коммуналсервис" сообщает, что в его состав входят жилые дома по ул. Лисунова б/ка 2,4,6., жилые дома по адресу Лисунова-4 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 30, 31, 32, 33, 35, 36 вышли из состава ТСЖ, претензии принимаются в течении месяца. Тел. 96-04-31

Утерянный гос.ордер 10-21/287 от 20.04.93г. о праве собственности Сатыболдиева Мехринисо на квартиру считать недействительным.

Выданный пакет документов по земельному кадастру находящийся по адресу: Бектемирский район ул. Ахангаранская-2, на имя Ли Андрея Браниславича, в связи с утерей считать недействительным.

Ташқи меҳнат Миграцияси масалалари Агентлиги томонидан "ORTOQ STAR" қўшма корхонасига 18.03.03 й-да берилган 2320 сонли Хорижий ишчи кучини жалб қилишга рухсатнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

СП "INVETLAIN" реорганизуется в ООО "INVETLAIN". В связи с выходом иностр. участника из СП "INVETLAIN" сообщает о перерегистрации и об уменщении уставного фонда с 153000 долларов США до 10000000 сум. Претензии принимаются по тел: 152-74-36.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Абдулқодир ХАЙИТМЕТОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93,
Тел/Факс: — 133-44-25,
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

9388 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-123 Топширилди — 23456